

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил - июнь куни жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Қ.А.нинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.А.нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қ шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Р, судланувчи И.С. ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.У, жабрланувчилар Д.Р. ва О.Д.ларнинг иштирокида судланувчи С.И.К.га оид 1-1111-1111/111-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

С.И.К (S.I.K),1983 йил 5 июнда Қ шаҳри туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оиласидан ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг 2008 йил 20 август кунги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми “а” банди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 август кунги “...амнистия тўғрисида” ги Қарорининг 2,6-бандларига асосан тугатилган, судланганлик ҳолати тугалланган, Қ шаҳар, “П” М.Ф.Й., П кўчаси, 136-уйда яшайди, 2021 йил 22 май кунидан эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини 2021 йил 25 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида мавжуд далилларни текшириб, тарафларни музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454 - 457, 463, 465 - 468, 471-473, 474- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

С.И.К, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

И.С.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



И.С.гаЎзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштириб, қамоқда сақланган 18 (ўн саккиз) кунни1 (бир)ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун узил-кесил 1 (йил) йил 10 (ўн) ой 6 (олти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо жазони ижро қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қ шаҳар ИИО Пробация гуруҳи бошлиғига юклатилсин.

И.С.нингқамоққа олиш эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришлари ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Қ.А.

